

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

2003-YIL 26-AVGUST SESHANBA 101-102 (27.122) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАХРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанмиз муваққиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухрати ва обрў-эътиборини янада юксалтириш, ислохотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидagi улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қахрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қахрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:




АБДУРАЗАКОВ Абдурахман



МУХАМЕДЖАНОВ Закир
(Зикир Мухаммаджанов)



НАРЗУЛЛОВ Ахмат Имидович



САГАТОВ Серикбай Жузжасарович



ЭРГАСHEB Аваз



КАИПБЕРГЕНОВ Туленберген

АБДУРАЗАКОВ Абдурахман — «Ўзбекистон металлургия компанияси» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори

МУХАМЕДЖАНОВ Закир (Зикир Мухаммаджанов) — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

НАРЗУЛЛОВ Ахмат Имидович — Сурхондарё вилояти Дево туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси

САГАТОВ Серикбай Жузжасарович — Навоий вилояти Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони

ЭРГАСHEB Аваз — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Х.Низаматов номи ширкат хўжалиги раиси

КАИПБЕРГЕНОВ Туленберген — Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШGAN MАРХУМ ФАН, АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ АРБОБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-иҷодий меросини инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

- Восит ВОХИДОВ — академик
Махмуд МИРЗАЕВ — академик
Асқад МУХТОР — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Иброҳим МЎМИНОВ — академик
Раҳим ПИРМУХАМЕДОВ — Ўзбекистон халқ артисти
Толибжон СОДИКОВ — Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва дирижёр
Сойиб ХЎЖАЕВ — Ўзбекистон халқ артисти
Рихард ШРЕДЕР — академик
ШУХРАТ (Фулор Алимов) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Раззоқ ХАМРОЕВ — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 26 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	633,63	1 Польша злотийи	242,84
1 Англия фунт стерлинги	1532,13	1 СДР	1339,03
1 Дания кронаси	142,52	1000 Туркия лираси	0,70
1 БАА дирхами 265,14		1 Швейцария франки	687,25
1 АКШ доллари	973,77	1 ЕВРО	1058,49
1 Миср фунти	158,47	10 Жанубий Корея вонини	8,32
1 Исландия кронаси	11,86	10 Япония йенаси	82,83
1 Канада доллари	696,59	1 Россия рубли	32,13
1 Хитой юани	117,65	1 Украина гривнаси	182,64
1 Малайзия рингити	256,29		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

«LASETTI» — «ЎЗДЭУАВТО»НИНГ БАЙРАМ ТУҒФАСИ

АСАКА. «ЎзДЭУАвто» қўшма корхонаси жамоаси мамлакатимиз Муваққиллигининг 12 йиллигига муносиб байрам совғаси тайёрлади. Корхонада «Тик», «Дамас», «Нексия», «Матиз»лар қатори янги, замонавий «Ласетти» («LASETTI») автомобили ишлаб чиқариш «старт» олд.

У қандай автомобиль? Қандайлиги номида мижас-сам: «Ласетти» лотинча — қудратли, мустаҳкам, кучли сингари маъноларни англатади. Ташиқ кўришиш қўрқам, ихчам ва замонавий. Руль бошқаруви ва тормоз тизими автоматлашган. 120 от кучига эга. Тезлиги соати-га 220 километр. Ҳайдовчи ва йўловчилар учун хавфсизлик ёстиқчалари бор. У ҳозирча фақат Жанубий Корея ва «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилгани учун ҳам жаҳон бозорида харидориги бўлиши, шаклси. Шу йилнинг ўзида бу ерда 312 донга «LASETTI» ишлаб чиқарилиши режалаштирилди. Шунингдек, узат-

малар қутиси (коробка-передачи) автоматлашган «Матиз» ҳам йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, Муваққиллиқнинг 12 йиллиги Анджион вилояти меҳнаткашлари учун кутулғ келди. Мамлакатимиз Президенти Фармонига кўра вилоят Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Янги автомобилнинг тақдир-мот маросимда аънавий лента қирқилгач, конвейердан дастлабки «Ласетти» ва узатмалар қутиси автоматлашган «Матиз» чиқди.

Қувончли маросимда «Ўзавтосаноат»нинг бош директори Қ.Парпиев, вилоят ҳокими ўринбосари, ахборот-тахлил ғруҳи раҳбари С.Юсуфов, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бош директорининг биринчи ўринбосари, жаноб Чанг Донг Вон ва бошқалар дил сўзларини айтдилар.

Ахмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

«НИҲОЛ» МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ



ТОШКЕНТ. (ЎзА муҳбири Назоқат Усмонова). Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ниҳол» мукофоти тасвир этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи кенгаш раиси Х.Кароматов истиқболнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб воғая етиши ҳамда истеъдоднинг рўёбга чиқиши борасида тинмай гаҳмуҳурлик кўрсатиб келинётганини таъкидлади. Санъат, айниқса,

мукофот билан тақдирланмоқда. Аҳамиятга молик жиҳати, «Ниҳол» совриндорлари йил сайин ўз санъати билан наинки халқимиз, балки хорижда ҳам кўп бўлган илоҳиятлар меҳрини қозонмоқда. «Ниҳол» ёшларнинг парвозига чинакам қанот бахш этувчи мукофотга айланиб, нуфузи тобора ошмоқда.

Жорий йилда ҳам «Ниҳол»га тасвир этилган юздан ортиқ номзоднинг ижодий имкониятлари ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқилиб, юртимиз муваққиллигининг ўн икки йиллик байрами арафасида улардан ўн нафари ушбу юксак мукофотга лойиқ топилди. Улар аънавий ижро йўнали-

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Муҳтарам фестивал қатнашчилари!
Хурматли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни қадимий ва бетақрор Ўзбекистон заминиде, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг тантанали очилиши муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Кўнра тарихимиздаги не-не буюк ва унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш бу муаззам шаҳарда бошланаётган ушбу санъат анжумани миллиятлар ва инсонлар қалбида азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш туйғусини, бугунги кунда турли халқлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг нечоғлиқ катта эканини яққол намён этиб турибди.

Одамзот ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўддириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат — музика санъати, ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгул қуввати, руҳ саодатидир.

Бу абадий ҳақиқатни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси она ўз фарзандига айтадиган алла оҳанглирида, инсон эътиборини ҳар қандай ҳолатда — ёруғ ва қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қайғули лаҳзаларда ҳам музиканинг мўъжизакор кучидан мадада ва таскин топишида кўриш мумкин.

Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шиддаткор таракқийёт асрида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчакларида ёвуз кучлар ўз қабих ниятларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда, ер юзида ҳаётни асраш, одамларни эзгулик ва бағрикенгликка даъват этишда маданият ва санъат, хусусан, музика дунёсининг таъсири беқиёс экани барчангизга яқин аён, деб ўйлайман.

Сиз, азиятларнинг Ўзбекистон диёрига ана шундай интилишлар билан ташриф буюрганнингизни биз жаҳон музика жамоатчилиги томонидан халқимизнинг бебаҳо тарихий ва маънавий меросига, замонавий ўзбек музика санъатига кўрсатилаётган ёрқин хурмат-эҳтирон ифодаси деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бу анжуманга нафақат ўзининг бетақрор санъатини, айни пайтда ўз

она юртининг нафасини ҳам олиб келиб, ўлмас миллий кадрларини намён этиданган барча фестивал қатнашчиларини, жумладан, Австрия, Арманистон ва Афғонистон, Буюк Британия ва Бангладеш, Германия ва Греция, Грузия ва Озарбайжон, Италия ва Испания, Индонезия, Исроил, Латвия ва Литва, Россия ва Руминия, Туркия ва Украина, Хитой ва Хиндистон, Эрон ва Эстония, Япония ва Жанубий Корея, Миср ва Саудия Арабистони санъаткорларини, ён қўшнларимиз бўлган Қирғизистон ва Қозғистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган иштирокчиларни қўллаш, барчангизга ўз номидан, бутун ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдириб, энг самимий тилакларини изҳор қилиш менга чексиз мамунуят бахш этади.

Ишончим комилки, Самарқанднинг мусавфо осмони, молий гўмбазлари остида ўтадиган ушбу нафосат байрами, санъатни теран тушунадиган, санъаткорни юксак қадрлайдиган халқимиз вакиллари билан бўладиган мулоқотлар, урчушув ва сўхбатлар сизларда ўчмас таассурот қолдиради, юртимиздаги беқиёс тарихий обидалар, меҳмондўст элмизнинг олижаноб фазилатлари узоқ вақт ёдингизда сақланиб қолади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» музика фестивалининг қисқа муддатда халқаро миқёсда катта обрў ва эътибор қозонишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ЮНЕСКО ташкили ҳамда Халқаро музика кенгаши вакилларига алоҳида ташаккур билдиришмоқчиман.

Сизларни аънавий «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг очилиши билан ана бир бор кутлар эканман, башариёт тафаккурининг буюк хазинаси, инсоний ва маънавий камолот рамзи бўлган музика санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва ўзгалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятингизда янги ютуқлар, анжумани ишига эса муваффақият тилайман.

Ўзбекистон диёрига, «Шарқ тароналари» музика фестивалига хуш келибсиз, муҳтарам дўстлар!

ИслоМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГРАСИН ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ИслоМ Каримов ташаббуси қилган бу йил тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали маданиятимизни янада чўқур ўрганиш ва юксалтиришга, миллий санъатимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга, ёшларимизни унутилмас ва бой аънаваларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилаётган яна бир улкан эътибор намунасикидир.

25 август кунини кўнра ва ҳамша навқирон Самарқанд шаҳрида аънавий фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Регистон майдонидеги улкан амфитеатр томошабинлар билан тўлган. Маҳобатли саҳнага Австрия, Арманистон, Афғонистон, Буюк Британия, Бангладеш, Германия, Греция, Грузия, Озарбайжон, Италия, Испания, Индонезия, Исроил, Латвия, Литва, Россия, Руминия, Туркия, Украина, Хитой, Хиндистон, Эрон, Эстония, Япония, Жанубий Корея, Миср, Саудия Ара-

бистони каби жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан келган таникли созандалар, хонандалар, бастакорлар — фестивал иштирокчилари тақлиф этилади. Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Каримовнинг «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро музика фестивали иштирокчилари ва меҳмонларига табригини Бош вазири ўринбосари Х.Кароматов ўқиб эшиттиради.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолий ҳамда «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро музика фестивали хайъати раиси Ким Шин Ван (Корея Республикаси) Президент ИслоМ Каримов ташаббуси билан тақлиф этилган мажкур анжуманининг халқаро санъат оламиде нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидлади.

Анжуман кўнлари «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» тан-

лови ўтказилади. Бунда ҳар бир мамлакатдан келган қатнашчи ўз халқининг миллий қўшиқини ижро этади. Тақдим этилган дастурлар миллий музика ижодиёти намунаси, мутоза ва замонавий музикаий йўналишлардан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Аънаёна мувофик фестивал доирасида «Шарқ халқлари музика чолғу асосблари» мавзуда халқаро илмий-иҷодий конференция ўтказилади.

Халқаро музика фестивали тантаналари сунъий йўлдош орқали жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатига олий кўрсатилади. Фестивал жараёнида Интернет саҳифаларида ҳам ўз аксини топапти.

Ҳа, беш кун давомиде қадим Самарқандда дунё музикасининг нодир намуналари янграйди. Бой музика меросимиздан баҳраманд бўлади фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари...

Назоқат УСМОНОВА,
Ақбар ҚАРШЕВ,
ЎзА муҳбирлари

XXI АСР ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Газетамизнинг 7 август сониде «XXI аср ўзбек болалари» сарлавҳаси остида Муваққиллик эълон қилинган 1991 йилда туғилиб, бугун 12 ёшга тўлган болалар орзу-ҳаваслари ҳақида ҳикоя қилган эдик.

Бу гал эса Муваққиллик эълон қилинган — 1991 йилда 12 ёшга бўлган, ҳозир 24 ёшга тўлган ёшларимиз вакилларининг истиқлол ҳақидаги тасаввурлари-ю, танлаган касбларига муҳаббати, орзу-умидлари билан танишасиз.

Қайси жамиятда ёшларга эътибор қаратилса, уларга таянилса, ишонилса, ўша давлат илм-фаннинг улкан кашфиёт майдонига, дунёга довруғи машҳур спорт юлдузлари осмонига айланади. Зеро, Президентимиз айтганларидек: «Келаҳда Ўзбекистон юксак даражада таракқий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етуқ фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим».

Ёшлик — бу орзу. Бу — ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу — ойдин ва улкан истиқболнинг бошланиши...


2-6em

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА



(Давоми. Бош 1-бетда.)

Давронбек СОБИРОВ, 1979 йилда Хоразм вилояти Богот туманида туғилган. Хуқуқшунос-иктисодчи. Отаси — Жуманазар Собиров муҳандис, онаси — Гулсара Бобоева маданият ходими.



— 1991 йилда мен саккизинчи синфда ўқирдим. Синфдошларимдан кичик эдим, негаки беш ёшдан мактабга борганман. Ўша пайтда «Мустақиллик» деган сўз пайдо бўлди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир синфдошларим билан бир сифтда ўқийман», деб юрарди. Мустақиллик эълон қилинган, у ўқитувчимиздан: «Энди биз бўлакмиз, Москвада қандай қилиб ўқийман?» деб сўрагани. Ўқитувчимиз шундай деганди: «Энди сизлар Нью-Йорк, Париж, Лондон каби дунёнинг тараққий этган шаҳарларида ўқийсизлар...» Бу гапни эшитиб тўғриси, уналик ишонгимиз келмоқди. Мана, энди қўриб турибмиз.

Мақтабни тугатган, анча муддат ширкат хўжалигида ишладим. Шу ерда муқобил хизматни ўтадим. Мен билдимки, қишлоқ хўжалигида туб илоҳотлар қилиш учун ширкат хўжалигининг кўп аъзолари тайёр эмасдилар. Бировлари эскича яшаган одатларни, бировларида янгича ишлаш учун хуқуқий билим етишмайдими. Юртимизда янги замон илм масканлари очилиши билан Хива педагогика касбхона коллегияси ўқишга кирдим ва уни тугатиб «хуқуқшунос-иктисодчи» дипломини олдим.

Орзуим қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиш. Фермерлик ҳаракати бўйича хориж тажрибаларини ўрганмоқчиман. Фермерликнинг келажаги катта. Ирода ОРИПОВА, 1979 йилда Бухоро вилояти Пешку туманида туғилган. «Бухоро муаллими» газетаси муҳбири. Отаси — Талаб Орипов ўқитувчи, онаси — Адолат Орипова уй бекаси.



— Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганда 12 ёшли кизлар эдим. Кейинчалик эсимга ёшайман. Кўп нарсаларга ақлим етди. Китоблардан ўқиб

билдим, биз озод яшайётган бу юрт учун қанчалаб аждодларимиз жонларини тиклашган. Юртбошимиз Ислам Каримов оғир вазиятда юртин озодликка олиб чиқганини, кўп машаққатларни енгиб ўтганини ҳужжатли фильмлардан билдим.

Мустақиллик бизга тўла имконият берди, истеъдодларини асраб-авайладим, кадрларди, иссиқ кўксига босиб, бошимизни силлади. Шу боис вилоятда ilk бор мен Зулфия номидаги Давлат мукофоти га эришдим.

Журналист бўлиш истагани менда отам, устозларим уйғотишган. Чунки отам туман газетасида фотомухбир бўлиб ишлаганлар. Бунинг устига «Ўзбекистон» — Ватаним мени» мавзуда ёзган иншоим муваффақият келтирди. Шу боис бу касбни танладим.

Келажақда профессионал журналист бўлмоқчиман. Ватаним, унинг қилгани инсонлар ҳақида ёзишни ният қилганман. Илҳом ИТОЛМАЗОВ, 1979 йилда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинларида хизмат қилади. Отаси — Олтибой Итолмазов дарё портида механик, онаси — Зайнаб Итолмазова ишчи.



— Ватанимиз мустақилликка эришган кунни, албатта, сира унутиб бўлмайди. Лекин...очиги ўша пайтда бу улуг воқеанинг моҳиятини уналик тушунмаганман. Мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканлигини кейинчалик — оқ-қорани танганимдан сўнг чуқур англай бошладим.

Ислам КАРИМОВ:

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

Бу кунларга етиш осон бўлмаганини тушундим. Бизга шундай озод юртин мерос қилиб қолдираётган авлод олдиди, қарзимиз катталигини билишимиз керак.

Энди нега ҳарбий соҳани танлаганим, чегарачи бўлганимга келсак... Тўғриси айтсам, болалигимдан аскарларни кўрсам уларга ҳавасим келарди... Санъатга ҳам қизиқардим. Термиз шаҳридаги мусиқа мактабиди ўқидим, 1998 йили билим юртини ҳам тугатдим.

Армияга хизматга қақирилган, ҳарбийликка қизиқишим яна орди. Мусиқани, санъатни унутганим йўқ, бу ерда ҳарбий оркестр бор, шуғулланиб тураман.

Чегарачининг биринчи нияти юрти тинчлиги, чегара дахлсизлиги... Кейин ҳарбийларда «Генерал бўлишни орзу қилмайдиган аскар, аскар эмас», деган гап бор. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Худо хоҳлса, албатта, генерал бўламан.

Азамат ИБРОХИМОВ, 1979 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманида туғилган. Ўқитувчи. Отаси — Шавкат Иброҳимов, онаси — Руқия Иброҳимовалар пенсиячор.

— 1991 йилнинг 1 сентябрини анқ эслаيمان. Ўқув йилининг биринчи кунин оdatдан ташқари шодиёна билан бошланди. Ҳама бир-бирини табриклаган, кучоқлашган...

ча изланишларимни давом эттирмоқчиман. Ниятим фаннимиз тараққийети, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўиши.

Амидхон ЭГАМБЕРДИЕВ, 1979 йилда Андижон вилояти Хўжаобод туманида туғилган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети магистранти. Отаси — Хўжа Эгамбердиев, онаси — Озода Эгамбердиевалар пенсиячор.



— Мамлакатимиз мустақиллигини 12 ёшида болаларга хос соддалик билан қўлиб олганман. Ўшанда катталарнинг эркинлик, озодлик ҳақинда ҳажонланган айтган гапларини эшитиб хайрон бўлганман. Нега шу пайтгача

озода бўлиб яшашмаган, эркин яшашларига нима халақит берган деб ўзимча ўйлардим. Болалигимдан тарихга, тилларни ўрганнишга, санъатга қизиқардим. Шу туфайли Андижон давлат тиллар педагогика институтининг роман-герман филология институтига ўқишга кирдим. 2000 йилда



тилга, динига ва йўқолиб кетаётган миллий кадрларга, энг асосийси — ўз тафаккурига эга бўлди» — деб тушунтирганлар. Айтмоқчи бўлганим, мустақиллик қадрини фот баланд тушуна. У осонлик билан қўлга киритилмади. Катта машаққатлар, сиёсий курашлар эвазига жон чекиб, жон тикиб эришилди. Қолаверса, унинг ўз тарихи, ўз асосчиси бор: Юртбошимиз — Ислам Каримов!

Ўқитувчилар касбини танлашимга биринчи устозим Манзура опа сабабчи бўлган. У кишининг билимдонлиги, ўқувчилар қалбини забт эта олиши ва машғулотларни маҳорат билан ташкил қила олиши менда бу касбга ҳавас уйғотган. Аввал педагогика коллежини битирдим, ҳозир эса ТВДПИнинг 1-курсини талабасиман.

Орзуим, мустақил республикамизда таълим тарбия илоҳотларини амалга оширишда фаол қатнашиб, ўқувчиларда билим бўлган ахтиёжни ошириш, машғулотларни янги педагогика технология асосида ўтиш.

ларида бешта тадқиқотим нашр этилди. 1999 йилда амалий математика йўналиши бўйича Президент стипендиюсига сазовор бўлдим. 2001 йилда Американинг Texas ASM университети магистратурасига ўқишга юборилдим. Бугунги кунда эса Иқтисодиёт вазирига қўриққичлиги ва прогност таҳлил ишларини ахборот билан таъминлаш гуруҳида бош мутахассисман.

Математика ва информатикани танлашамман отам сабабчи бўлган. Илк устозим ҳам у киши. Компьютерларга қизиқишимнинг боиси, ҳозир бирор соҳа йўқи унга компьютер кириб бормаган бўлса.

Илмий ишларимни давом эттириш ниятим бор. Ҳозир бутун дунёда математик лингвистика фани ривожланмоқда. Шу йўналишда тадқиқот олиб бориш ҳаракатидаман.

Рустам ҚОСИМЖОНОВ, 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. ЎзМУ магистранти. Отаси — Машруқ Қосимжонов физик олим (марҳум), онаси — Мехри Қосимжонов кимёгар оlima.

— Мустақиллик бир зумда сезилмади. Мен биринчи англаган нарса шу бўлган, олдин спортчиларимиз жаҳонга чиқишлари учун СССР деган тўсиқни енгиб ўтишлари керак эди. Галаба эса камдан-кам ўртоқларимизга насиб этган. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, биз истиқлол туфайли бу қийин-

ланган мусиқа даргоҳида таълим олиш бахтига муяссар бўлганимдан қувончимни кўрсангиз эди. Унинг очилиш маросимидан сўнг кекса муаллимларимиздан бири дарс пайтида кўзига ёш олиб гапирди: «Сизлар бахтли болаларсиз, биз бир умр мустақил ўқув хонасига зор бўлиб ўтганмиз. Мана, сизларга қандай улкан шароитлар яратиб берилди... Бу бино гардимиз билдираётган ишончи оқланлар. Консерваториямизга қараган одамнинг кўзлари қамашади-я...»

2000 йилда Қозоғистонда ўтказилган халқаро пианиночилар кўрик-танловида учинчи ўринни қўлга киритганмиз.

Орзуим келажақда консерваторияда қўлиб, илмий иш қилиш, талабаларга фортепиано сирларини ўргатиш. Халқаро санъат фестивалларида қўлиб бўлиш... Бундан-да катта ниятларим бор-у, келинг, яхшиси, улар ҳозирча сир бўлиб қолсин.

Наваҳор САМИЕВА, 1979 йилда Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган. Кимё фани ўқитувчиси. Отаси — Баҳодир Самиев ишчи, онаси — Сайёра Шарипова уй бекаси.

— Мустақиллик эълон қилинган кун хотирамдан ҳеч-ҳеч ўчмас керак. Қўшинимиз буларди. Улар оила аъзолари билан 1937 йилда Сибирга сургун қилинган. Ака-укалари, ота-насининг қабрлари ёт элларда қўлиб кетган. Бутун бир оиланиннг ёлғиз ёдгори бўлиб қолган Икром бобо не-не машаққатлар билан юртга қайтиб келиб, оила қўриб, бутун умр «қулук», «ёт унсу» — деган тавқи лаънатни кўтариб юрган. Мана шу одамнинг истиқлол эълон қилинган кунда фарёд чекиб йўлаганини, одамларни қучоқлаб олиб, қўлаганини ўз кўзим билан кўрганман. Икром бобонинг аламли кўз ёшлари менга озодликнинг қадрини англади. Мақтабни тугатиб Навоий давлат педагогика институтига ўқишга кирдим. Кимё-биология мутахассислигини эгалладим. Институтни имтиёзли диплом билан тугатдим.

Ўқитувчилар масъулиятли ва шарафли касб, шунинг учун ҳам шу касбни танлаганим. Мақтабимиз пештоқида Юртбошимизнинг мана бу сўзлари ёзиб қўйилган. «Ўз-ўзини ол ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буюн ҳам бошимизга кўтарамиз». Бу пармуно эътироф касбимга бўлган меҳримни яна ва яна ошираверди.

Марғуба ОДИЛОВА, 1979 йилда Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида туғилган. Гулистон давлат университети талабаси. Отаси — Турсунбой Одилов хайдовчи, онаси — Муҳаббат Одилова уй бекаси.

— 10 ёшга кирганимда кир-тубхонадан бир китобчани ўқиш учун олган эдим. Унда араб босқинчилиги қарши курашган боболаримиз жасорати қаламга олинганда. Китобдаги «Кўёш ҳам олов» номли ҳикоя менда жуда катта таассурот қолдирган. Асар қаҳрамонлари илҳомлиликдан қийимларига, отларига нефть қўйиб, ўзларига ўт қўйиб душман устига сўнгги жаҳл учун ташландилар. Езувчи асарни «Улар Ватан озодлиги учун ёниб келар эдилар» дея тугаллайди. Лекин мен ўшанда ҳам озодлик нима эканлигига тўла тушунмаганман ва атропофид катталардан сўраганман. Уларнинг баъзилари «бу сенинги ишинг эмас» дея қўйишган.

Маъносини орадан икки йил ўтиб Президентимиз Мустақиллик эълон қилганларидан сўнггина тушундим.


Касбимни танлашим боиси, она табиигимизни севаман. Биласиз, вилояти чўл ва қўриқ ерлардан иборат. Ер ости суви жуда яқин. Пахта яққахокимлиги йилларида тупроқнинг мелiorа-ти аҳоли ёмонлашган. Қолаверса, ҳозир бутун дунёда экологик муаммолар бarchани хавотирга солмоқда. Шунинг учун келажақда экология соҳаси мутахассиси бўлмоқчиман.

Номзодим Абу Райхон Беруний номидаги давлат стипендиюсига тавсия этилган. Ниятимга етсам аввал магистратура, кейин аспирантурада тахсил оломоқчиман. Қанийди, олима бўлсам!

Саҳиба Фарруқ ХАМРОЕВ, Зайнабдин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади.

XXI АСР ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

1991 йил мамлакатимиз озодликка эришганида улар 12 ёшда эдилар. истиқлол йиллари ўқиб, вояга етган бу йигит-қизлар бугун 24 ёшда. мустақиллик улар тақдирида қандай аҳамият касб этди? улар қандай орзу-ҳаваслар билан яшашмоқда?




— Болаларим, — дея кўзда ёш билан сўзга чикди кекса ўқитувчимиз Шокир муаллим. — Бугунги кун ҳеч қачон эсингиздан қичмасин. Буғун халқимиз юз йиллик қарамликдан қўрилди. Биз озодликка чикдик!

Ушанда мен ўн икки ёшга тўлган эдим. Мана, орадан ўн икки йил ўтди. 24 ёшга кирдим. Ҳозир Тошлоқ туманидаги 11-умумтаълим мактабиди тасвирий санъат ўқитувчиси бўлиб ишлайман. Ўзим ҳам суратлар чизаман. Мактабда ҳам «Мусаввир» истеъдодли ўсмирлар клубини ташкил этганимиз. Клубда 62 нафар ёш расомлик сир-асорларини ўрганганлар. Клуб аъзоларининг ишлари бир қатор кўрик-танловларда юқори баҳоладан. Интернет тизими орқали жаҳоннинг турли бурчакларида намойиш этилди. Шу йил март ойида Белгиянинг ёш мусаввирларга қўмақлашув жамияти клубимизга 10 дона замонавий компьютер совға қилди.

Мустақиллик ёшларимизга ўз истеъдодларини намойиш этиш учун кенг имконият берди.

Сарвар НАЗАРКОСИМОВ, 1979 йилда Жиззах вилояти Жиззах туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини ўқитувчиси. Отаси — Иноятулла Назаркосимов туман алоқа бўлими ишчиси, онаси — Майрам Назаркосимова уй бекаси.



— Мустақиллик нималигини болалигимда билмаганман. истиқлол болаларга, ёшларга мислсиз имкониятлар очиб берганлигини кейинчалик англадим. Эсимда, мактабни битириш пайтида ўзимча ўйлардим, оддий ишчининг боласи бўлсам, пулимиз бўлмас, олий ўқув юртига кириш мендайларга йўл бўлсин... Президентимиз томонидан тест синовларининг хориж этилиши туфайли институтга кирдим.

Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Тарих-хуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаганимдан сўнг устозларим ишонч билдириб, мени кафедрада ишда қолдиришди. Мана бир йилдан ошайтқи, талабаларга сабоқ бериб келганим. Ишдан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва хуқуқ институтида илмий иш қилардим. Факультетимизни мен билан бирга 114 йигит-қиз тамомлади. Шулар орасидан биргина мени институтда олиб қолишлари зима-мама катта масъулият оқлайди. Насиб қилса, бир-икки йилда номзодлик ишчининг ҳимоя қилиб, сўнгра докторлиги ишчи бўйи-

Президент стипендиюси соҳиб бўлдим. Бу ютуқларим менга илм йўлини танлашимга қатъий ишонч бағишлади. Ота-онаниннг тилаб-тилаб олган фарзанди бўлганим учун улар доим ўқушим, юриш-туришимни назорат қилишарди. Халоллик, оғир меҳнатдан қўчимаслик, эл-юрт хизматиға ярайдиган инсон бўлиш... булар ота-онам ўғитлари.

Орзуларимнинг рўёби истиқлолнинг ёруғ қўнлари билан боғлиқ. Немис тили бўйича илмий изланишларимни давом эттириб, келгусида хориждаги номдор олий ўқув юртида маърузалар ўқиб, ўз билимимни уларга намойиш этмоқчиман. Президентимиз айтдикилар-ку, биз ҳеч кимдан кам эмасиз ҳам бўлмаимиз ҳам деб. Мен шуни исботламоқчиман.

Нигора ГУЛОМОВА, 1979 йилда Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳрида туғилган. Ўқитувчи. Отаси — Мейлик Гуломов ишчи, онаси — Хурсанд Рустамова уй бекаси.




— Бизнинг ўн икки ёшимиз билан ҳозирги болаларни таққослаш қийин... Ҳар ҳолда беш йил шўро мактабиди ўқидик-да. Мустақилликка эришилган дастлабки кунлар ёдимда, т е л е в и з о р д а кўрганман. Лекин кимдан, нимадан мустақил бўлганимизни қаёқдан билмай. Кейин-кейин билдим, халқимиз бошидан қанча оғир кунлар ўтганини. Мустақиллик халқимизнинг чинакам қувончи, бахти экан.

Рости, 5 нафар бола ёлғиз ишчи отамнинг қўлига қарардик, онам соҳи-гоҳида тикиш-бичиш билан шуғулланиб турарди. Энг муҳими ота-онаниннг келажақдан умидлари катта эди. Мен Шахрисабз педагогика билим юртини битирдим, олти йилдан буюн бошлангич синф ўқитувчисиман. Болаларни севаганим, муаллимлик олижаноб касб эканлигини англаганим туфайли ўқитувчи бўлдим. Устозлар ўғити шуки, иморат пойдеворга таянганидек, боладаги истеъдод 1-4 синфларда бўй бера бошлайди. Биринчи ўқувчиларим — 30 болани 4-синфгача ўқитиб, катта устозлар қўлига топширганимда, қанчалик қувонганимни билсангиз эди!

Яна сирдан ўқимокчиман. Олий маълумот оламан. Орзуларим ушалади, албатта. Гузал СУЛАЙМОНОВА, 1979 йилда Тошкент вилоятининг Охангон туманида туғилган. ТВДПИ талабаси. Отаси — Бахтиёр Сулаймонов совдо ходими, онаси — Янгишўр Сулаймонова ҳамшира.

— Ҳар бир миллат ўз тили, дини, қадриятларига эга бўлиш учун интилиб яшайди. Ўзлимизни таниш, ўз эркимизга, мустақиллигимизга эришиш меннинг 12 ёшимда содир бўлган. Эсимда, ўшанда ўқитувчимга Ўзбекистон Республикаси маъдириси ва унинг атрибутлари таърифини Мағмур ёддан ўқиб берганим. Дадам Мустақиллик мазмунини «Қўзим, энди халқ ўз эркига,

Расул БЕГЛЕРБЕКОВ, 1979 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Кегазли туманида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини ўқитувчи. Отаси — Жубатқон Беглербеков деҳқон, онаси — Сапергул Шамунова уй бекаси.




— 1991 йил 1 сентябрни жуда яхши эслаيمان. Мақтабимизда катта байрам бўлганди. Мустақилликнинг буюк мақсадини муаллимларимиздан кейин ҳаётнинг ўзи тушунириб, мазмун-моҳиятини асрларга тенг 12 йиллар яққол англади.


Муаллимликка болалигимдан қизиқман. 1995 йили 37-сонли ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг физика-математика факультетиға ўқишга кирдим. 1999 йилда бакалавриятни тамомлаб, шу йили магистратураға қабул қилинган. Ҳозир университетда «Информатика-информацион технология» фанидан талабаларга сабоқ бермоқдаман. Ҳамда ўзлаштириш пастроқ талабалар билан ишлайман. «Информацион технология» фани бўйича ташкил қилинган туғараққа раҳбарлик қилмоқдаман.

Орзуим ёш кадрларни тайёрлашга оз бўлса ҳам ўз улушимни қўшсам, дейман. «Информацион технология» фанининг кенг тармоқларини ривожлантириш — бу мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида ривожланишининг асосий бўғинларидир.

Шохимардон МУСАЕВ, 1979 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазириликда бош мутахассис. Отаси — Анорқул Мусоев математик олим, онаси — Роҳила Элибоева уй бекаси.



— Биласизми, ўн икки ёшимда ўйна-қароқ бола эдим. Фантастик китобларни кўп ўқиганим учун қандайдир инсон оёғи етмаган манзилларга, ўзга сай-ёралар, «учар ликопа»лар ҳақида кўп ўйлардим. Мустақиллик ўзининг илк кунларидан бошлабқ атрофни, одамларни ўзгартириб юборди. Онгимиздаги чегараларни йиллар эмас, кунлар, соатлар оқиб ташлади. 1993 йил СамДУ қошида 1-сон физика-математика лицейини очилди. Бу ерда болаларга дарсларни фан номзодлари, докторлари ўта бошладилар. Мен лицейни 1996 йилда тугатиб СамДУ амалий математика ва информатика факультетиға ўқишга кирдим. ЭХМларнинг математик таъминоти кафедраси доценти Мағмур Луғфуллоев раҳбарлигида изланишларимни бошлаб юбордим. Талабалар илмий тўпла-



чилиқларга дуч келмадик. 15 ёшдан бошлаб катта шахматда иштирок эта бошладим. 1994 йил Қатар пойтахти Дохада Осиё чемпиони бўлдим. Венгриянинг Сегед шаҳрида жаҳон биринчилигида иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритдим. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов менга компьютер ва 300 миңдан зиёд сара ўйинлар матчи ёзилган кассета совға қилдилар. Бу эса мен сингарин юртимиз келажаки — ёшларга Юртбошимиз ва халқимиз умид қўзини тикаётганлигини билдиради.

1995 йили Бразилиянинг Гуарпуова шаҳрида бўлган жаҳон биринчилигида яна бронза медалига сазовор бўлдим. Каттор халқаро мусобақаларда иштирок этиб, нуфузли ўйинларни олиб келаялман. 1997 йилда халқаро гротмейстерлик унвонига эришдим. 1998 йилда яна Осиё чемпионлигини қўлга киритдим.

Меңда шахмат ўйинига илк ҳавасини Хуршид ахам уйғотган эдилар. Беш ёшдан донна сура бошлаганман. Кейинчалик устозлар Александр Гуршевский, тажрибали мураббий Сергей Пинчукдан сабоқ олганман. Аста-секин шахмат меннинг ҳаётимда биринчи масалаға айланган. 1990 йилда, яъни 11 ёшимда Ўзбекистон биринчилигида голиб чиққангидан сўнг бутун фикру хаёлим шахматга қаратилди. Бу йўлдаги биринчи устозим акамдан бир умрга миннатдорман.

Орзуим жаҳон шахмати тожини Ўзбекистонга олиб келиш. Яна бири дунёнинг энг кучли ўн спортчиси орасидан ўрин олиш. Бунинг учун жуда кўп шуғулланишим, меҳнат қилишим керак.

Марат МАКСУДОВ, 1979 йилда Наманган вилоятида туғилган. Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти. Отаси — Замир Максудов санъаткор, онаси — Рамзия Максудова мусиқа муаллими.



— Мустақиллик эълон қилинганда Наманган шаҳридаги 1-сон мусиқа мактабининг 5-синф ўқувчиси эдим. Бўлиб ўтган байрам тантанасида мен ҳам куй ча-либ берганман. Истиқлолнинг моҳиятини гапнинг рости, орадан йиллар ўтиб тушуна бошладим. 1993 йилда В.Успенский номидаги Республика махsus академик лицейига ўқишга кирдим. 1997 йилда Урганч шаҳрида ўтказилган IX республика пианиночилар танловида биринчи даражали мукофотга сазовор бўлдим. Шу йили консерваторияға ўқишга қабул қилиндим. Президентимиз томондан янги тик-

САМИМИЙ СУҲБАТ

2003 йилнинг 23 август кuni Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Хитой Халқ Республикасининг Тяньцзин шаҳри Тангу туманининг мамлакатимизга ташир буюрган гуруҳи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга мустақил журналистиканинг асослари ва тарихини, ўз вақтида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ҳамда унинг асосий вазифаларини муҳофаза қилишнинг зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Делегация раҳбари, Тяньцзин шаҳри Тангу тумани ҳокими Чжан Цзя Син Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик ва унинг кенг имкониятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди. Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари И.Кочмарик ва А.Рустамов иштирок этдилар.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

2003 йилнинг 25 август кuni Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

ХДП марказий матбуот нашрларида партия ташкилотлари фаолиятларини ёритишнинг аҳоли ва партия кенгашларининг уни яхшилашга доир вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилган ушбу

йиғилишда ХДП марказий матбуот нашрларида партия ташкилотлари, Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси томонидан ўтказилаётган тадбирлар мунтазам ёриб борилаётганлиги таъкидланиб, уларнинг фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиви, ютуқ ва камчиликларга ҳолисона баҳо бериш, ижобий тажрибаларни оммалаштирувчи мақола ва мухобабалар кам берилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис,

ХДП кенгашларидан партиявий ахбороти тарқатишда ОАВдан фойдаланишда локайд бўлмаслик, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали тахририятлари ҳам ушбу масалага эътиборни қўйиштиришлари, ўзХДП маҳаллий ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатишлари, газеталар муҳбирларининг партия ҳаёти, депутатлар фаолияти масалалари томон юз ўгиришларига эришишлари, ис-

лохотлар боришидаги ютуқ ва камчиликларга оид ҳолис таҳлилий чиқишлар қилишлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Шунингдек, Котибият йиғилишида, аҳолини ўнглаш мақсадда, ушбу масалани юлларда чуқур ўрганиб, таҳлил якунларини ХДП кенгашлари ижроия бюроси йиғилишлари ва матбуот нашрлари тахририятлари кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Кеча АҚШ ҳукумати вакиллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига болалар орасида учрайдиган юқумли гепатит — В хасталигига қарши қўлланиладиган 180 минг дозаллик вакцина ҳамда умумий қиймати 4,6 миллион АҚШ долларига тенг бир марта ишлатиладиган шприцларни инсонпарварлик ёрдами сифатида топширди.

Ушбу дори-дармоларни келтиришда транспорт хизматини АҚШ Давлат департаменти ўз зиммасига олди. Вакцина ва шприцлар Америкадаги «Глаксо Смитслайн» (Glaxo Smithkline) фармацевтлари томонидан тайёрланган. USAID халқаро ташкилот «Соғлом оила» дастури доирасида амалга оширган тиббий ёрдам мамлакатимизнинг Термиз ва Қарши шаҳарларида ҳамда узок қишлоқларда истиқомат қилаётган болалар саломатлигини тиклаш учун юлларга жўнатилди.

Саида САЙХУН

Яна бир неча кундан кейин Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 12 йиллигини тантанавор нишонлаймиз. Ҳозир халқимизнинг энг азиз, энг буюк байрамига тайёргарликни нихосига етай деб қолди. Ањнага кўра, тўйга тўнчалар тайёрланмокда, шаҳару қишлоқлар, кўчау хиёбонлар орастау ошуфта бўлмокда.

Байрам арафасида — 29 август кuni республика Олий Мажлисининг навбатдаги XII сессияси ўз ишини бошлади. Ўз-ўзидан тушунарлики, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ушбу улкан воқеага ҳам ҳар томонлама ҳозирлик қўрилайтир. Табиийки, парламентнинг барча тўлималари каби, унинг муҳим устунарларидан ҳисобланган сиёсий партиялар фракциялари ҳам сессияга қизгин тайёргарлик билан келмокдалар. Буни бизнинг фракциямиз фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

48 нафар депутатни бирлаштирган Ўзбекистон ХДПнинг парламент фракцияси ўтган йил апрелида, Олий Мажлисининг VIII сессиясида

босқичидаёқ, биз унинг кўппартиялик асосидаги сайловлар натижасида шаклланиши кўзда тутилаётганлигидан келиб чиќиб, бўлажак сайловларни партиялар рўйхатлари бўйича ўтказиш мақсадга мувофиќ, деган фикрни олға сурдик. Шундай қилинганда, сайловларда фуќаролар алоҳида олинган шахслар учун эмас, балки, сиёсий партиялар томонидан таќлиф этилган дастурлар учун овоз берадилар. Агар бу маъқул бўлмаса, мажоритар (бир мандатли округларда) ва пропорционал (сиёсий партиялар ва фуќароларнинг ташаббускор гуруҳлари рўйхатлари бўйича) сайлов тизимларини, ГФРда амалда бўлгани каби, қўйиш йўлини танлаш мумкин. Маълумки, фракциямизнинг ушбу таќлифи маъқулланмади. Биз ўз таќлифимизни ўтказишга жонжаќдимиз билан тиришмадик. Чунки, сайловларнинг янгиқа усулига ўтиш учун жамятиамизнинг сиёсий маданиятини янада ўстириш талаб қилиниши, бунинг учун эса муайян муддат кераклигини идрок эт-

МУСТАҚИЛЛИК ВА МУСТАБИДЛИК

Мустақиллик, бу — Истиқлол демек, Истиқлол эса Озодлик, Хуррият демекдир. Бу муқаддас сўзлар гарчанд қадим-қадимдан мавжуд бўлса-да, айни замонда бизнинг тилимизда бошқача охангда янграмокда. Ўн икки йилдики, бу кўтлук каломлар тилимизни беэаб, дилимизни ёруғ қилиб келмокда. Бу сўзлар авваллари — шўролар тузуми даврида наинки тилимизда, балки нарс ва назимизда ҳам деярли ишлатилмас эди. Адабиётимизда қўлланилган тақдирда ҳам октябрь «инқилоби» туғайли, у бизни зулдан «озод» қилгани хусусида ифтихор билан айтиларди.

Энди бу сўзларнинг маъносил, моҳияти ўзгарди. Уларни асл маъносига, мазмунига хос равишда қўлламокдамыз. Бу сўзлар ҳаётимиз мазмунига, дунёқарашимиз маъносига, турмушимиз моҳиятига айланми.

Мустабидлик бизни қанча эзган бўлса, мустақиллик шунча бизни яйратди, мустабидлик бошимизни, қадимизни ҳам қилган бўлса, мустақиллик бошимизни баланд, қадимизни тик қилди.

Мустабидлик бизни тобеғликка, қарамликка, бировнинг кўзига қараб туришга, хизматкорликка, лаганбардорликка, хушомадўйликка, тилеғламаликка, таъмағирликка ўргатди.

Халқимизнинг бир неча авлоди шу рўҳда тарбия топди. Унинг асосларини йўқотиш биздан янги жамят қўрмоқни, янги одамларни тарбия қилмокчи талаб этади.

Мустақиллик бизни ростўйликка, покликка, иймонэтиқодли, инсофли, виждонли бўлишга даъват этмокда. Мустақилликда кечёрган ҳаёт тарзимизни ислоқ қилиб, ундан қон-қонимизга сингиб кетган иллатларни қанчалик тез йўқотсак, товламачилик балосидан, ҳасадўйлик чанғалидан кутулсак, бировлар кўзига тик қарашни ўрганиб, ёлғончилик оғусидан халос бўлсак, шунчалик ўзимизга яхши бўлади. Жамятиамиз

(Давоми 5-бетда.)

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

И.А.КОЧМАРИК, Ўзбекистон ХДП МК котиби, партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси раиси

2002 йил 27 январида бўлиб ўтган референдум якунларига мувофиқ, қонунчилик фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олингандан кейин, парламент ислохотининг ҳуқуқий асосларини яратиш ишига салмокчи ҳисса қўйишга бел боғлади. Ҳўш, биз буни қандай қилиб рўёбга чиќармокдамыз?

Биринчидан, фракциянинг кўпгина аъзолари ва унинг ишига кўмақдош экспертлар парламент ислохоти концепциясида доир масалалар муҳокама этилган кўллаб анжуманларнинг фаол иштирокчилари бўдилар. Масалан, улар Олий Мажлис томонидан ТАЦИСнинг ахборий кўмагида ўтказилган қатор конференция ва семинарларда фаол қатнашдилар. Натижада, икки палатали парламент концепциясини ишлаб чиќиш босқичидаёқ, кўп масалалар юзасидан ўз қарашларимизни ифода қилиш имконияти туғилди.

Иккинчидан, фракциямиз аъзолари Олий Мажлис кўмиталарида (айримларининг раҳбарлари, бошқаларининг аъзолари сифатида) тегишли қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиќишда бевосита иштирок этмокдалар.

Учинчидан, ҳар бир сессия олдидан бўлиб ўтаётган фракция мажлисларида парламент ислохотида оид муҳим ҳужжатлар (мисол учун, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги қонунлар) лойиҳалари олдидан муҳокама қилиниб, уларда ишлаб чиќилган фракция нуктаи назари парламент кўмиталари ишчи гуруҳига юборилмокда. Тақлифларнинг муайян қисми қонун лойиҳалари устида иш давом этирилганда инobatга олинмокда.

Бироқ, фракциямизнинг тақлиф ва мулоҳазалари ҳақида ҳисобга олинмокда, деб айта олмаймиз. Бир мисол келтираман. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамасининг дастлабки


минловчи иќтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратилмоғи кераклигига жамоатчилик диққати тортилган эди.

Биз ўзимизнинг бундай қарашларимиздан ҳозир ҳам воз кечганимиз йўқ. Партиямиз фракцияси аъзолари Уй-жой эгаллари ширкатлари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва унинг қабул қилинишида бевосита иштирок этдилар, мамлакат Президенти ва республика ҳукуматынинг уй-жой ва коммунал хўжалик ислохотида доир йўлини қўллаб-қувватладилар.

Лекин, партиямизнинг ушбу соҳадаги барча гоёларини ҳаётга татбиқ этиш учун у парламентда тегишли маќомга эга бўлиши лозим эди. Афсуски, 1999 йилдаги сайловларда биронта ҳам сиёсий партия депутатлари парламентда кўпчиликини ташкил эта олмади. Ўзбекистон ХДП Олий Мажлисида фаќат 20 фоиш ўрин олди. Бу эса парламентда биз истаган қонунларни қабул қилишда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш учун етарли эмас.

Маълумки, фуќароларнинг кўпчилиги олдинги сайловларда давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари томонидан кўрсатилган номзодларга овозларини бердилар. Натижада, Олий Мажлисида улардан сайланган депутатлар кўпчиликини ташкил этдилар. Айни улар сайловчилар билан бўлган сайловолди учрашувлари, матбуотдаги чиқишларида уй-жой ва коммунал хўжалик соҳасини тубдан яхшилашга ваъдалар берган эдилар. Бу ваъдаларнинг бажарилиши ҳақида шундан ҳам билса бўладики, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 февралда бўлиб ўтган мажлисида уй-жой ва коммунал хўжалик соҳасида ислохотларнинг боришида ҳам қатта муаммолар борлигини таъкидлаб ўтди. Уй-жойлардан фойдаланишнинг марказлашган тизими тугалланди-ю,

ЭНГ ОЛИС-ОЛИСЛАРДА



ТЕРМИЗДАН 300 КИЛОМЕТР УЗОҚЛИКДА...

Термиздан 300 километр, Сарийоғли тумани марказидан 67 километр узоқликда тоғлар бағрида жойлашган Хуфар қишлоғининг умумий кўриниши.

Мамлакатимизнинг энг чеќка қишлоқларидан ҳисобланган Хуфар байрам арафасида янада чиroy очди. 40 км. узоқликдан булоқ суви кувурлар орқали, 67 км. узоқликдан эса газ олиб келинди.

Энди бу сўзларнинг маъноасил, моҳияти ўзгарди. Уларни асл маъносига, мазмунига хос равишда қўлламокдамыз. Бу сўзлар ҳаётимиз мазмунига, дунёқарашимиз маъносига, турмушимиз моҳиятига айланми.

Мустабидлик бизни қанча эзган бўлса, мустақиллик шунча бизни яйратди, мустабидлик бошимизни, қадимизни ҳам қилган бўлса, мустақиллик бошимизни баланд, қадимизни тик қилди.

Мустабидлик бизни тобеғликка, қарамликка, бировнинг кўзига қараб туришга, хизматкорликка, лаганбардорликка, хушомадўйликка, тилеғламаликка, таъмағирликка ўргатди.



ЭЪТИРОФ

Ўзбек олими номи халқаро энциклопедияда

Кимёвий технология жараёни масаласи «мўъжизакор фан» олдидан турган долзарб муаммолардан биридир. Хусусан, кимё фанидаги бу йўналиш республикада нефть қонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қўл келмокда.

Бундан 40 йил муқаддам лойцўпдан қўрилган мактаб ўрнида гишдан 800 ўринли замонавий мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди.



Янги қишлоқ

врачлик пункти иш бошлади. Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган шифо маскани хизматидан аҳоли мамнун.

Хуфар қишлоғининг икки таърифи бор: биринчиси — Хуфар дегани хуб-бахор, яъни очиқ, баҳаво жой, иккинчиси — парилар макони. Бизнингча, бу таърифларнинг ҳар иккиси ҳам ҳақиқат.

Хуфар қизлари паризодларнинг ўзгинаси: гўзалдан-гўзал, шодон ва бахтли қизлар.



Хуфар оқсоқоллари

Хуфар оқсоқоллари ҳар гал фотихага қўл очганда энг аввало шундай дуо қилишади: — Илоҳим юртимиз тинч, Юртбошимиз умри узок бўлсин, мустақилликимизга кўз тегмасин!..

Хуллас, партиямизнинг Олий Мажлисидаги фракцияси халқимиз манфаатлари йўлидаги саяё-ҳаракатларини изчил давом эттирмокда.

Рамазон АШУРОВ олган суратлар

«ЯНГИЙҮЛЁҒ-МОЙ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Сизларни Мустақилликнинг нурафшон ва фароғбатини

12 йиллиги

муносабати билан салтанатий муборакбод этади.

*Ўртинмиз обод, остонимиз мусавффо,
мустақиллигимиз боғий бўлишини Ўратгандан тилайди.*

Ўзбекистон истиқлол йилларида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Юртимиз жаҳонга чиқди. Иқтисодийимиз эса тобора юксалиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ҳажминини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш борасида анда ишлар қилтиди. Айниқса, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ютуқлар таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистонинини буюк келажакини яратиш йўлида бундан буён ҳам хормай-толмай меҳнат қиламиз.

Мустақил Ватан паракқийёти улуғ ўз хиссасини аямаётган ўзбекистонликларинини бардасига шийлик, осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

**Азиз Ватандошлар!
Энг табаррук, энг муборак байрамингиз
қутлуғ бўлсин!**

Истиқлол бадиъалари

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Мустиқиллик ўн икки ёшга тўлмакда. У мучал ёшида — қутлуг ёшда! Озодлик даврида ўзбек халқининг авлоди улғайди. Бу авлод нақада бахтли авлод эканини биз оталар-боболар жуда яхши биламиз. Келажак — ёшларники, шу азиз Ватанимиз — ёшларники, хунарманд, биллимдон, ориятли, удабурон, тарбияли ёшларники! Ешлар — Мустиқиллик, Истиқлол, Озодлик, Хуррият фарзанд-

эмасди.

Дарҳақиқат, нон ҳаётимиз ва онгимизда муҳим ўрин тутади. Бирок нон биз учун шунчаки ризқ-рўз эмас — табаррук неъмат. Нон — ўзбеки-нинг юзи, ўзбекчиликнинг рамзидир. Миллатлар борки, остона ҳатлаб келган кишига қажва тутадилар ёки айтайлик, бирор тур ичимлик таклиф этадилар. Ўзбек хонадонида дарҳол дастурхон ёзилиб нон қўйилади. Бошқа егулик топилмагани ваҳидан эмас — азбаройи иззат-эҳти-

мол талабларини қилча ҳам қопламайди. Ўзбек оилалари бир парча ерга зор бўлиб, ўз-ўзларига нисбатан ҳам лоқайд бўлиб кетганлар. Истиқлол туйғуси тамоман сўнган, аллақандай қарахт, маҳқум ҳолат юзга келган. Заифлашган тани фақат қудратли руҳ қутқаради, деган эди қадимда буюк Гиппократ. Бизнинг оғир хасталикка чалинган жамиятимизга ҳам фақат жасорат, журъат жон бағишлаши, фақат даҳовий заковат ўзлигини қайтариб бериши мумкин эди.

Минг қатла шўкрки, ҳаётимизнинг қалтис, ҳал қилувчи босқичида айна шу фазилат-

ка, аҳилликка, бирдамликка давват этадиган тинчликдир! Зотан, айна тинчлик — замонлар, даврлар синовидан ўтган, инсоният томонидан узил-кесил қабул этилган мўъжизакор демократиянинг асосий шартидир! Тинчликнинг пой-девори эса муросадан, фуқароларнинг ўзаро меҳро-қибатларидан, иззат-эҳтиборларидан бунёд бўлади. Фақат бақувват сиёсий тартибот, ҳақиқий ижтимоий адолат ҳукм сурган жойда, соғлом инсоний муносабатлар қарор топан тақдирда демократия ўзига хос жозибасини касб этади, қутилган самаралари-

зият одамни ёмон ёки яхши этади, номард ёки мард қиладди. Муҳит эса пировардоқибат биз ўзимиз! Ҳаётнинг азалий чархпалаги — нимани эксанг, шуни ўрасан, ўргангани эса яна эксан! Хулоса қилиб айтганда, яхшилик уруғини сочишдан ўзга чорамиз йўқ!

Дарҳақиқат, ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда кўп муаммолар, оғир қунларни бошидан кечирганини кўрамыз. Йўл бошида борлиқ-йўқлик, яъни тинчлик масаласи, оддий нон масаласи — масала эди. Собақ «марказ» матбуоти «Ўзбек ҳатто, ўз нонини ҳам ўзи топиб еёлмайди, икки букилиб таъзимга келади», деб, бири олиб, бири қўйиб мусобақалашарди. Орадан бир аср эмас, ярим аср эмас — бор-йўғи ўн икки йилча вақт ўтди. Бугун ўзбекнинг ташвиши нон эмас! Нон-суви, газ, нефть, электр энергияси етарли. Навбат аллақачон автомобиль, самолёт сингари мўъжизаларга етган. Тарихини буюк шахслар илгари суряди, деган ғояси билан танилган инглиз файласуфи, йўлбошичлик ҳам буюкликни тақозо қиладди, деган хулосага келган эди. Кейинчалик бошқа алломалар бу фикрни тасдиқлаган ва ривожлантирганлар. Бир олим эса буюклик — фақат иродага бўглик, деб қўшимча ҳам қилган. Ҳақиқатан, йўл бошида туриш ва етаклашни шундай юксак шахсиятлар удаллаши мумкин. Негаки, улар олисроқни кўра оладилар, иродалари ҳам мустиқкамрок бўлади. Улар ижтимоий тараққиётнинг энг олдинги босқичларида юзага чиққан масалаларни ҳам ўз тафаккури қудрати билан еча билдилар. Илгариги сиёсий ва ижтимоий муносабатлар замирида вужудга келган эҳтиёлларни ҳам идрок этадилар, ҳар қандай заруриятни тўғри тушунадилар, фавқулодда мураккаб вазифаларни ҳам зиммага олишга журъат топадилар. Шу маънода ўтган йилларда юртимизда эришилган энг катта ютуқ — кўз ўнгимизда том маънодаги ЙЎЛБОШЧИнинг шакланганлиги, чинакам раҳ-

барга эга бўлганимиз! Сиёсатнинг шох йўли, бош йўналиши ўз йўлига. Сиёсатчининг бевоқифлиги иши — сиёсатдонлиги ҳаммага маълум. Лекин давлатимиз Президентининг хатто, икир-чикир масалалар ҳам диққат доирасида тутиши, ўз устида тинимсиз, до-нишманларча ишлаб бориш одати, инсонпарварлиги тамоман қувонарли ҳол. Ажабки, у кишининг соф инсоний нуқсонлари ҳам манфаатга хизмат қилади! Айтайлик, ганимлар кўзига илинган энг катта камчилиги — ўжарлиги. Бирок тил-забонсиз, лаж раҳбарлардан қуйган бизлар худди шундай ўжарликни орзу қилмабми эдик? Мана, энди ўжарлик билан, матонат билан фалаж ўсимтага айланган жамиятга жон киритиб, уни сонга қўшиб келаяпти. Икки ёққа қарамасдан, тишни тишга босиб, гоҳ одимлаётган, гоҳ ўлик товон бўлиб ётиб қолаётган залворли юкни ҳали-ҳозир фақат сал кўриниш бераётган олис ўфқлар томон судраб кетаяпти. Бунда биз — аҳли фуқаронинг қўлимиздан келгани — ҳалақит бермаслик, иложи бўлса, яхши гаплар, яхши ниятлар билан кучига куч, қувватига қувват қўшиб туриш!

Юртдошларига хиёнат қилган киши ёлчимайди, охири-оқибатда хору зор бўлади. Тарихдан ҳам маълумки, элу юртини алдаган, унинг юзига оёқ қўйган кишилар ланъатга учраган. Дили бошқа — тили бошқа нокаслар хавфлидир. Уларга Худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, шекилли. Фикри ганг, ўзи ланг, умри чанг шайтонлардан Худонинг ўзи асрасин!

Мустиқиллик бизни нафақат шайтонлардан, балки шайтонларнинг мустиқбилдигидан халос этди. Мустиқиллик — бу илҳомий тўҳфа! Уни кўз қорачиқдай асраб-авайлашимиз, гарду губорлардан сақлашимиз, қора ниятли кимсаларнинг хуружларидан ҳимоя қилишимиз, керак бўлса, жонимиз ва қонимиз билан кўрикланишимиз ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз, инсонийлик аъмолимиздир!

Барот БОЙҚОБИЛОВ

ЭСКИ ҚАРАШЛАРДАН ВОЗ КЕЧИБ...

Қонун ва ижро

Жиноятчи қилмиши учун жазосини олиши керак. Лекин, энди жазони тайинлаш жараёнида аввалгидек, жиноятчини «шафқатсиз жазолаш керак» деган қарашларнинг оқибасти ҳақида ҳам ўйлаб кўришга тўғри келаяпти.

Муҳими, бугун адолатли жамият асосини яратиш йўлида дадил қадамлар ташланапти. Амалий ишлар қилинапти. Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимизнинг жиноий жазо амалиётини тубдан ўзгартириб юборди.

Мисол учун, ярашув тўғрисидаги институтнинг қўлланилаётгани демократик жараёнининг бир кўринишидир. Илгари оддий келишмовчилик, қариндош-уруғ ўртасидаги жанжаллар туфайли ҳам одамлар судма-суд юриб, жиноий жавобгарликка тортдиларди. Айбланувчи билан жабранувчи ярашса ҳам «судланган» деган тамга босиларди. Энди, унга ҳожат йўқ. Икки томон ярашди, суднинг ўзида бу иш ҳал бўлади. Буни мисоллардан ҳам кўрса бўлади.

Яқинда Юнусобод тумани судида фуқаро Надежда Грес иши кўриб чиқилди. У оддий келишмовчилик туфайли ўз акасига енгил жароҳат етказди. Очик суд жараёнида акасининг бир-бирини кечирган-

лигини айтишди. Икки томоннинг ярашуви туфайли туғишганлик риштаси бир умрга узил-иб кетмади. Суд ҳам ярашуви ни ҳисобга олиб, жиноий ишни тўхтатди.

Аввалгидек, жиноят қилган жазолансин, деб туриб олинганда, сингил жазога тортилган, ундан икки фарзанд қаров-чисиз қолган, қолаверса, акасининг юзқўрмас бўлиб кетарди. Бугун умр бир-бирига ганим бўлиб қолардилар.

Юнусобод туманида яшовчи Светлана Зенченко билан боғлиқ суд жараёни ҳам юқоридагига ўхшашдир. Зенченко оддий тортишув туфайли фуқаро Актерьяковга тан жароҳати етказди. У маълум бир муддат давлатимизнинг жиноий жазо амалиётини тубдан ўзгартириб юборди.

Мисол учун, ярашув тўғрисидаги институтнинг қўлланилаётгани демократик жараёнининг бир кўринишидир. Илгари оддий келишмовчилик, қариндош-уруғ ўртасидаги жанжаллар туфайли ҳам одамлар судма-суд юриб, жиноий жавобгарликка тортдиларди. Айбланувчи билан жабранувчи ярашса ҳам «судланган» деган тамга босиларди. Энди, унга ҳожат йўқ. Икки томон ярашди, суднинг ўзида бу иш ҳал бўлади. Буни мисоллардан ҳам кўрса бўлади.

Яқинда Юнусобод тумани судида фуқаро Надежда Грес иши кўриб чиқилди. У оддий келишмовчилик туфайли ўз акасига енгил жароҳат етказди. Очик суд жараёнида акасининг бир-бирини кечирган-

МУСТАҚИЛЛИК ВА МУСТАБИДЛИК

лари! Мустиқбилликда кечирган ҳаётимиздан ёшларимиз, азиз фарзандларимиз, севимли набираларимиз сабоқ ва хулоса чиқармоқдалар. Бизнинг бошимизга тушган қунлар уларнинг бошига тушмасин, Худойим ўз паноҳида асрасин!

Собақ тузум емирилиб пароканда ҳолатга етган кезлар биз — ўзбеклар шаънига тегадиган яхши-ёмон гаплар, турли башоратлар кўп айтилган эди. Ёдингизда бўлса, ўзбекларнинг асосий емиши нон, мана энди донни қаердан олади, ҳоли нима кечади, деган маломатларни ҳам кўтарганмиз. Холбуки, гулдан ҳам нозик пахтадек усимликнинг миридан сиригача ўрганиб бир бепоён давлатни шу вазнсиз, нафис маҳсулотга қўмиб ташлашни удалаган ўзбек деҳқонини ўз галласини ўзи етиштира олмайди, деб гумон қилишининг ўзи шаккоқлик эди. У пайтлар тартиботнинг эскиси бузилиб, янгиси ҳали муайян шакл касб этмаган мавҳум шароитда, кучли мафкуравий таъкиқлар остида пашша фил бўлиб кўриниши ҳеч гап

ром юзасидан шундай қилинади. Негаки, биздаги азалий удум шундай. Биз меҳмонни ҳам нон билан сийлаймиз, совга-салом ўрнида ҳам нон кўтариб юрамиз. Нонга алоҳида ихлосимиз шарофати билан ҳаммамиз дурустгина руҳиятшунос ҳам бўлиб кетганмиз: «қўйган нонларига қараб одам ҳақида анча-мунча маълумот ҳосил қила оламиз. Эътироф этиш керак — нонларимиз бунчалар эъозларга арзийди. Тошкент ва Қўқон патирлари, Андижон ширмоилари, машхур Самарқанд нонлари ноёб топи ва исидан ташқари юксак бадий сифатлари билан етти иқлимга донг тарагган. Жаҳон бўйлаб кезиб, нонларимиз ўзимиз боролманган жойларга қадар етган. Хуллас, нон — юртимиз тимсолига ҳам айланган.

Шу ерда бироз чекиниш қилиб, Мустиқиллик арафасидаги вазиятни эслатиш жоиздир. Улкан юртимиз то остоналарга қадар пахтазорга айлантилган: полизлар қолмаган, боғу роғлар қуриб битган. Шунга яраша мева-чева, сабзавот, гўшт сингари маҳсулот гоятда камчил, истеъ-

лар соҳибини қисмат бизга раво кўрди. Шу боис ёш, мустақил давлатимизнинг илк сиёсий қадамлари биз кутгандан аъло бўлиб чиқди. Давлатимиз Президентининг қўллаган дастлабки тадбирлари, хусусан, фуқароларга томорка ва турар-жой учун ер ажратиш тўғрисидаги ҳукумат қарори халқимиз қаддини тиклаб, ёрқин самараларини кўрсатиб келаяпти. Бугун бозорларимиз мўл-кўл. Сабзавотдан тортиб, гўшт, гуручгача келтирилган эмас, ўз қуёшимиз нурларини эмиб, ўзимизнинг она заминда унган, демек, танини яйратади. Бу тўкинлик миннатдор фуқароларнинг, янги иқтисодий тил билан айтганда, хусусий тармоқнинг халқчил раҳбар сиёсатида жавоби, ўзбек дастурхони таҳлилчиларига эса сабоқидир!

Бугун давлатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий табaddуллар, ислохотлар даври. Ҳаётимизнинг энг долғали, жўшқин палласи.

Минг қатла шўкрки, бугун қорнимиз тўқ, устимиз бут, юртимиз тинч. Бирок бу тинчлик — барчамизни бепарволликка эмас, камоли хушёрлик-

ни беради.

Рухиятшуносларнинг тадқиқотларига кўра, инсон ўз умри давомида бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган бир неча қиёфага кириб ўтади. Ҳар қиёфа ўз муддатини ўтагандан кейин емирилиб, аксинча зиддиятларни, шубҳа-гумонларни жо этиб мудроқ ҳолатда сақланиб қолади ва вужуднинг аллақарларидан ўз вақти-соатини қутиб ётиб мавриди келганда юзага чиқади. Ва шароитга қараб инсонни ё хайрли ишларга, ё хатарли ҳаракатларга ундаши мумкин. Мисол учун, журъатсизгина одам мансабга мингандан кейин керилиб, босар-тусарини билмай қоладиган ҳоллар кўп учрайдди. Унда насиҳатомуз оҳанглар, илтифотсизлик аломатлари пайдо бўлади. Демак, шу кишининг ўнгли қаърида бу қиёфа мавҳуд бўлгану фақат фурсат қўл келганда ўзини намоён этган.

Ҳар биримиз ўз мушоҳадларимиз асосида кўп синанганмиз: ёмон одам — табиатда йўқ гап. Чунки инсон дунёга аҳшилик, деб келади. Ёмон одам — ёмон шарт-шароитнинг: нобоп муҳитнинг маҳсули, холос! Атроф-муҳит, ва-

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

ТУРОН БАНКИ

Акциядорларни ва барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустиқиллигининг 12 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Мустиқил Ўзбекистон гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Она юрт оҳанглари

ЎЗБЕКИСТОН

Туморлар айладим тупроғинг, тошинг, Маиса гулинг бўлди сурма-сулаймоним. Мустақил, хур бўлган ўн икки ёшинг, Қурбон қули бўлай Ўзбекистоним!

Улуғбек юлдузин бағрига босиб, Машираб сиртмоғини ечгани келдим. Бир сакраб Ҳиндиқуш тоғидан ошиб, Бобурни уйғотай Ўзбекистоним!

Йўл бошла ошайлик дунё, доволаяр Юзингга гард кўнса дастёринг ўзим. Сув тутай чанқаса улуг қарвонлар, Болам, — деб, эргаштир Ўзбекистоним!

Ҳали юлдузларга қўйиб нарвонинг, Шохжаҳон будурсан марду майдоним. Омон бўлса басдир улуг сарбонинг, Толоғинг нур бўлай Ўзбекистоним!

Садойини ширин жони сенга садага, Кўзларим қароғи, жонингдан жоним, Сени севмаганлар ёнсин дунёда Оловларинг ичра Ўзбекистоним!..

ТИЛАК

Ватан сен менинг юрагим Қалбим тубидида эзгу тилагим, Кўзларим очиброқ кўрган, билганим Ватан муқаддасан, сен муқаддасан.

Кўрғондек эззолли қонун китобинг, У билан ёрқинроқ кўкда офтобинг Халқимнинг дилида мисли меҳробинг, Ватан муқаддасан, сен муқаддасан.

Чиройинг очилар кундан-кун юртим Энди ўзбегимнинг нони ҳам бутун. Истиқлол кунингни йил оша кутдим Ватан муқаддасан, сен муқаддасан.

ТҮЙ

Шукур тўйларингни кўрдим, қизгинам, Ўзи бир оламча ширин сўзгинам Эзгу тилақларим айтатин бир-бир Ургилай бўйингдан, менинг ўзгинам.

Умр бўйи сенга бахт тилаганман Бахт эмас бахтдан тахт тилаганман Кечалар қошингда алалар айтиб Меҳрим чойшабига хўп ўраганман.

Ногаҳон қалқаса гар кўзингда ёш, Аналик қалбларим беролмай бардош, Меҳримни туғ қилиб кўтариб юрдим Йўлларинг ёртинди у мисли куёш.



НИЯТ

Мени ҳали Алпомишдай ўғлим бўлар, Минг қадамдан тийра камон этадиган. Отажон, — деб, Бойчиборни миниб келар, Ҳаёт боғим шамчирогин ёқадиган.

Мени ҳали Барчинойдай қизим бўлар, Шахло кўзи юлдуз каби ёнадиган. Отажон, — деб, эркаланиб қулиб турар, Изларимда бир гул бўлиб қоладиган.

Ҳали мени кўчамдан ҳам ўтар қарвон, Кўнғироғи мағрибгача кетадиган. Мен ўтсам ҳам, хазон билмас боғим қолар, Қийматга қадар гуллаб ётадиган...

Шамсиддин САДОЙ



ДУНЁ ВАФОЛИ

Бевафо, дейдилар дунёни, Йўқ, дунё вифодор инсонга, Ой, куёш нуридан у доим Ётдун бахш этар ҳар онга.

Аслида вафосиз одамлар, Гоҳ гамгин, гоҳ шодон бу дамлар, Умринг қадрига етмасдан Кўйишар ножўя қадамлар.

Дунё-ку уларни алқайди, Аллоҳ ҳам ризқини аямас, Дунёда борлиги, тириклик Ҳар қандай бойликдан кам эмас, Вафодор, дейдилар дунёни... Муқаддас СОЛИХ қизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



МАХФИЙ АГЕНТЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

АҚШдан ташқаридаги махфий ишларга жалб қилинувчи жангвар хизматчилар сонини Марказий разведка бошқармаси деярли икки бараварга оширишни мўлжаллаб турибди. Шунинг учун ҳам бу йил тайёрлов марказига курсантлар қабул қилиш кенг миқёсда амалга оширилди. Бу ҳақда Associated Press агентлиги хабар тарқатди.

Тайёрлов марказини битирганлар сони бу йил рекорд кўрсаткичга етди. Бу Америка разведкаси тарихида илк марта қайд этилган энг йирик натижадир.

Битирувчиларнинг ўртача ёши 29 ёш бўлиб, учдан бир қисmini аёллар ташкил этади, 12 фоизи эса этник жиҳатдан кам сонли халқлар вакиллари дидир. Битирувчиларнинг барчаси 2-3 тадан хорижий тилларни мукамал эгаллаган. Бу махфий агентларнинг 70 фоизи ҳукумат ёки ҳарбий тизимда умуман ишламаган.

Битирувчиларнинг аниқ сони ҳозирча ошкор этилмапти. МРБ раҳбарияти таъкидлашча, уларнинг кўпчилиги аввал тижорат компанияларида фаолият юритганлар. Разведкада ишлашга қизиқш уларни ўз соҳасини ташлаб бу ерга келишга ундаган. Ваҳоланки, уларнинг йиллик даромади (маоши) 100 минг доллардан ошарди. МРБда эса 60 мингдан ошмайди.

Кейинги пайларда келиб чиқиши хитой ёки араб бўлганлар ва шу тилларни мукамал билганлар бу ишга кўпроқ жалб этилмоқда.

Яна шунини айтиб ўтиш лозимки, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Америка разведкасида хизмат қилишни хоҳловчилар сони бирдан кўпайган. Янни террор воқеасидан сўнг бир йил ўтиб 170 мингдан ортиқ ўзига хос «иктидор» эгалари МРБга жалб этилган.

СОБИҚ ЭЛЧИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Эроннинг Аргентинадаги собиқ элчиси Ходи Сулаймонпур Буюк Британия шимолидаги Дарем шаҳрида полиция томонидан қўлга олинди, дея хабар беради Reuters агентлиги. У 1994 йили Буэнос-Айресдаги Яҳудийлар марказида содир этилган террорчилик актини ташкиллаштирганликда айбланмоқда.

Гап шундаки, ўтган ҳафта Аргентина суди 47 ёшли Ходи Сулаймонпур ва Эроннинг яна 7 нафар фуқаросини қамоққа олиш ҳақида Интерполга ордер жўнатган эди. Аргентиналик судья Хуан Хосе Галеано Яҳудийлар марказидаги террор сабаб 85 кишининг ҳаётдан қўз юмишига ва 200 дан ортиқ кишининг тан жа-

рохати олишига шу одамлар айбдордир, деб ҳисобламоқда. Эрон ҳукумати эса бу айбловни бир неча марта инкор этиб, портлашга умуман алоқаси йўқлигини ўқтирмақда.

Дарвоқе, биринчи айблов эълон қилингандан кейинроқ Эрон ҳукумати Буэнос-Айресда фаолият юритаётган ўз элчисини чақириб олган.

Собиқ элчи Сулаймонпур эса 2002 йил февралдан бери Буюк Британияда яшамоқда. У Дарем шаҳридаги университетда тахсил олмақда эди.

Эроннинг расмий доиралари собиқ элчининг қамоққа олиниши ҳақида ҳозирча ҳеч нарса демаётирлар.

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА... МУМКИН ЭМАС

Маълумки, бундан бир неча ой муқаддам Нью-Йорк шаҳрида жамоат жойларида чекишни таъкиловчи қонун қабул қилинган эди. Энди эса худди шундай қонун бутун Нью-Йорк штати бўйича қабул қилинди, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Таҳлилчиларнинг фикрича, бу қонун айниқса, ресторан ва барлар фаолиятига қаттиқ таъсир этади. Негаки, у ерларга ташриф буюрувчиларнинг 85 фоизи кашандалардир. Шунинг учун ҳам кўпгина ресторан соҳиблари ўз мижозларини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, мазкур қонунни танқид қилмоқдалар. Ва янги қонун мамлакат конституциясига мос эмас, дея суд уни бекор қилишига умид билдирмоқдалар.

«Бу қонун чекишни таъкидламайди, балки инсоннинг хоҳиш-иродасини, танлаш ҳуқуқини чегаралайди» дея фикр билдирди бар соҳибларидан бири. Нью-Йорк аҳолисини чекишга қаршиллардан химоя қилиш жамияти вакилининг сўзларига қараганда, бундан бир неча ой олдин Нью-Йорк шаҳрида чекиш таъкидлангани боис «аҳоли ҳозир ресторан ва барларга бормай қўйди, пивони уйларига олиб бориб, ўша ерда сигарет чекиб пиво ичмоқдалар».

Янги қонун тарафдорлари эса бар ва ресторанлардан мижозлар қадами узилмаслигини эътироф этаркан, мазкур қонун бу каби жамоат жойларида соғлом ҳаёт тарзини шакллантирад, дея ҳисоблайдилар. Улар бунга Нассо округини мисол қилиб кўрсатмоқда. «Бир вақтлар касалхоналарда, киноларда, умуман, жамоат жойларида чекилганини тасаввур қилиш қийин. Ҳатто ресторанларда чекиларди, десангиз бугунги маҳаллий ёшлар ишонмайди» дейди округ раҳбарларидан бири.

Шунинг учун ҳам Нью-Йорк штати раҳбарияти соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида саъй-ҳаракатлар бошладди.

КЕНГАШ АЪЗОЛИГИДАН ЎЧИРИЛДИ

Миср Олий конституциявий суди мамлакатдаги ҳукмрон Миллий партиядан Халқ Кенгашига сайланган 22 нафар фаолнинг аъзолигини ҳақиқий эмас, деб топди.

«Ал-Жазира» телеканалининг хабар беришича, бундай қарор қабул қилинишига сабаб улар армияда хизмат бурчини адо этмаганлар. Халқ Кенгашига аъзоликдан маҳрум этилганлар орасида амалдаги ҳукумат вакиллари ҳам бор.

Суд қабул қилган қарорга кўра, мамлакат Халқ Кенгашига армияда хизмат бурчини адо этганлар сайланади. Ҳарбий хизматда бўлмаганлар эса халқ номидан иш қўришига ва халқ вакили бўлишга ҳаққи йўқ.

Манбаларга қараганда, суд қарори амалдаги Халқ Кенгаши тарқатиб юборилишига сабаб бўлиши мумкин.

ШАРТНОМАНИ РАД ЭТДИ

Буюк Британия парламенти комиссияси Гибралтар бўғози масаласи бўйича тайёрланган икки томонлама суверенитетни назарда тутувчи битим лойиҳасини рад этди.

Ҳукумат комиссиясининг халқаро алоқалар бўйича вакили берган баёнотда айтилишича, Гибралтар масаласи бўйича Испания ва Буюк Британия ўртасида тузилажак битим лойиҳаси ҳаётий эмас.

Буюк Британия аввалроқ баёнот берган эдики, тортишувга сабаб бўлаётган Гибралтарнинг бу худудини (унда яшаётган 30 минг аҳоли бунини хоҳлаётган бўлишига қарамай) Испания ихтиёрига ҳеч қачон бермайди.

Испания ўз худудининг жанубидаги бу майдонни 1713 йили Буюк Британия тасаруфига берган эди. Энди уни қайтариб олиш учун узоқ йиллардан бери ҳаракат қилмоқда, дейилади Reuters ахборот агентлиги хабарига.



РЕСПУБЛИКА КҶЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 26 сентябрь 3, 10, 17 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 2-уйда жойлашган «АЗИМУТ-РУМБ» давлат кичик корхонаси.

Бошланғич нархи — 9 967 900,0 сўм ёки 10 290,0 АҚШ доллари.

Савдода қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорда зақалат пули тўланади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтапилади.

Аукцион савдоси соат 11.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қолирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

SAVDOGAR BANK

Ҳурматли ватандошлар!
Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси Сиз азиз юртодошларни Ватанимизнинг энг улуг байрами — Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги билан самимий қутлайди!

Мана шу тарихан қисқа фурсат ичида мамлакатимиз шонли йўлни босиб ўтди. Биз ҳам барча юртодошларимиз каби келажаги буюк давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз.

Азиз ватандошлар!
Сизларни улуг айём билан қутлар эканмиз, мана шундай ҳаяжонли ва қутлуғ дақиқалар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Гўзал Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнатингизга зафарлар ёр бўлсин!


BAЙРАМИНГIZ КУШЛУГ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!
СИЗГА ХИЗМАТ КУРСАВИРАЙДАН МАМНУНМИЗ!

«НЕРУДНИК»


очиқ акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси
озод ва хур диёримиз Ўзбекистон халқини энг азиз
ва мўътабар байрам билан қизгин муборакбод этади!



*Эмуқдошим, ай, қардошим, қулоқ тут менга,
Ушбу кўҳна қаҳқашонда мағрур тутгин бош.
Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга,
Сениқидир энди бу ер, сениқи қуёш.*



*Қўлингда эрқ, бошида ялов, тилингда сурч,
Ватанинг бор, бола-воғчанг, ор-нолузинг бор.
Ўзбекистон деб атаган муқаддас ҳудуд,
Ўз Давлатинг, Ма.илақатинг, ўз Қолузинг бор.*



Бугун биз олиб бораётган барча илмий изла-нишлар дунёдаги энг нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши, уларнинг кўмаги, тажрибалари билан бойитилиши керак.

Ислон КАРИМОВ

Ун икки йилдирки, мамлакатимиз илм-фани мустақиллик йўлидан дадил одимлаб, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида эллиқдан ортиқ академик, салкам тўрт юз нафар фан доктори ва мингга яқин фан номзоди фаолият кўрсатаётганининг ўзидаёқ, барча соҳалар қатори илм-фа-

грантига эга бўлиб, 5 та замонавий рақамли сейсмик станцияни қўлга киритди. Олти ой давомда турли нашрларда эълон қилинган 1778 мақола ва тезис, 23 монография ва рисола, 5 та илмий тўплам ҳамда 15 та дарслик ва ўқув қўлланмаларининг 28 фоизи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги эса Ўзбекистон илм-фанининг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб бораётганлигини далolatдир.

АҚШ давлат департаменти билан тузилган шартномага биноан амалга оширилган ишлари тахсинга сазовордир. Ҳар томонлама қўлай бўлган бундай усуллар республикамизнинг Олот, Ёштакўрик божхона катлафи ҳамда Тошкент аэропортида ўрнатилган бўлиб, хавфсизлиқни таъминлаш билан бир қаторда катта иқтисодий самарадорлиқни ҳам таъминламоқда.

Ядро физикаси соҳасининг йирик алломаси, академик Бехзод Йўлдошевнинг «МАГАТЭ-SAGNA» масlahат Кенгаши сафига Марказий Европа ва Фарбий Осие вакили сифатида қиритилиши Ўзбекистон ядро физикаси олимлари эришавт-

ри» номи билан чоп этилган инглиз тилидаги альбом каталог мукамаллиги билан диққатга молик. Шу билан бирга халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳақида кенг ва асосли маълумот бериши, илм-фан ҳамда маданиятимиз хазинасига муносиб армуғон бўлганлиги билан гоят қадридир.

Ўзбек олим Шокир Пидаяевнинг япон профессори, «Дўстлик» ордени соҳиб Като Кюдзо билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбекистоннинг янги археологик дурдоналари» китобининг Японияда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Аюмидин Уринобов ва АҚШ олимаси, профессор Джо-Энн Гросс қаламига мансуб бўлган «Хожа Убайдуллох Ахрор ва муридларининг рухсатлари» номи монографиянинг Голландиядаги «Брилл» нашриётида инглиз тилида, Бонн университети профессори Карл Райхелнинг ўзбек қарамагонлик эпоси «Алломиш»нинг Саидмурод Панов ўғли варианты ўзбек ва немис тилларида Германияда нашр этилганлиги мамлакатимиз фани, маънавий ва маданий ҳаётида улкан воқеа бўлибгина қолмай, мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйига арзиғулик тўғра ҳамдир.

Ана шундай халқаро илмий ҳамкорлик ишларига, хорижий мамлакатлардаги сафарларга, анжуманларга кўпроқ ёшларнинг жалб этилаётганлиги янги-янги истеъодларнинг танилишида бекиёс аҳамият касб этмоқда. Фанлар академиясининг Халқаро Илмий Иттифоқ, Осие мамлакатлари Фанлар академиялари ассоциацияси, МАГАТЭ (атом энергиясидан фойдаланиш бўйича Агентлик), МААН (Халқаро академик Фанлар ассоциацияси) ва Халқаро Астрономик Иттифоқ каби нуфузли йирик илмий марказларга аъзо бўлиши эса ўзини фанга бағишлаган олимларимизга имконият эшиклари кенг очиб бермоқда.

Энди ана шу имкониятларнинг ҳар биридан унумли фойдаланган ҳолда оламшумул кашфиётлар қилиб, Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўиши — замон талаби!

Нуриддин ОЧИЛОВ

Футбол

БИР ТўПГА ТўРТ ЖАВОБ

Агар мусобақалар ўтказиш жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, олий лига футбол жамоалари август ойининг ўзида бештадан учрашув ўтказишлари керак. Шу кунгача эса жамоалар тўрт мартадан майдонга тушдилар. («Сурхон» — «Пахтакор» жамоасининг кечиктирилган ўйинини ҳисобга олганда).

Айтиш керакки, иккинчи давра баҳслари турдан-турга шиддатли тус олаётди. Чунки ҳозир чемпионлик учун «от»ни қамчилайдиган пайт. Шу боис ҳам 19-тур учрашувларида жамоалар ҳужумкор ўйин намойиш этдилар. Шанба кунги чемпионат ўйинлари муҳлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Негаки, шу кунги турнир жадвалининг юқори поғонасидан жой олиб турган ва совинли ўринларга даввогарлик қилаётган жамоалар ўзаро учрашди. Пешқадим «Нефтчи» футболчилари бу сафар қаршилиқлар меҳмони бўлишди.

Турнинг энг қизиқарлиси, деяр айтириқ этилган «Насаф» — «Нефтчи» баҳси хусусида қисқача тўхталсак. Ундан олдинги ўйинда «Насаф» футболчилари қўқонликларга йирик ҳисобда имкониятни бой бермаган бўлса, фарғоналиклар сафарда уч очколи бўлишган эди. Шу боис ҳам Қарши-

да бўлиб ўтган учрашувда ҳар икки жамоа майдонга фақат галаба учун тушгани сир эмас. Уйиннинг биринчи бўлими меҳмонлар устунлигида ўтди, дейиш мумкин.

Акмал Холматов қаршилиқлар дарвозабонини доғда қолдирди — 0:1. Жамоалар шундай ҳисобда танафусга чиқдилар. Иккинчи бўлимда эса «Насаф»ликлар шиддат билан ҳужумга ташланди ва кўп ўтмай Дилшод Мавлонов ҳисобни тенглаштирди. Орадан ўн дақиқа ўтган, Вали Келдиев жарима тўлини қойилмақом қилиб бажарди. 2:1 ҳисобида олдинга ўтиб олган майдон эгалари янада хавфли ҳужумлар уюштирди. Дилшод Мавлонов шу кунги дублга эришган бўлса, ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганда Баҳром Хайдаров «Нефтчи» дарвозасига тўртинчи тўпни киритди — 4:1.

Турнинг қолган учрашувлари натижалари қуйидагича: «Бухоро» — «Самарқанд-Д» 1:0, «Андижон» — «Трактор» — 3:2, «Қўқон — 1912» — «Навбахор» — 1:2, «Дўстлик» — «Гулистон» — 2:1, «Целентчи» — «Машъал» — 2:2, «Сурхон» — «Металлург» — 1:1.

Раъшон ШОДИЕВ

ИСТИҚЛОЛ — ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТИ

нимиз ҳам мустақиллик даврида улкан имкониятларга эга бўлганини кўриш мумкин.

ЎзРФА қошида икки мингдан зиёд илмий ходим 180 та фундаментал, 289 та давлат илмий-техник ва 15 та инновацион мавзулар бўйича ишламоқдалар.

Фан тараққиётини, унинг олдига турган долзарб муаммоларни ечишда ЎзРФА халқаро ҳамкорлик доираларини кенгайтириб, хориж инвестицияларини жалб этмоқда. Масалан, инвестиция дастурларининг ўзлаштирилишига назар солсак, академия тизимида биологик ва ядровий хавфсизлик бўйича олиб борилган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ фондларидан ядро ёқилгисини қайта ишлаш учун 3,5 млн., ядро реакторини таъмирлашга 1,5 млн., ижтимоий фанлар йўналишига эса 1,0 млн., шунингдек, Украина илмий технологик маркази томонидан 2,5 млн. доллар миқдорда грант ажратилганлиги қувонарли ҳолдир.

Бундан ташқари, Сейсмология институти ҳам Хитойнинг

Шу қисқа давр ичида 157 нафар олим жаҳоннинг 25 мамлакатига малака ошириб қайтди. Аини пайтда 33 илмий ходим АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Англия, Германия, Хитой, Италия, Туркия сингари қатор мамлакатларда тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. 120 нафар хорижий олим ва мутахассис Фанлар академияси институтиларида фаолият кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Фанлар академиясининг ядро физикаси институти олимларининг МАГАТЭ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқот ишлари самарали бўлмоқда. Илмий кашфиётлари жаҳон миқёсда эътироф этилган физик олимларимизнинг ядро хавфсизлигини таъминлаш тизimini яратиш, атом реактори ва бошқа йирик ядровий қурилмаларнинг физик химиясини кучайтириш, божхона ҳамда чегара ҳудудларидан радиактив ва ядровий хомашёларинокунчи олиб ўтилишини назорат қилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш борасида

ган ютуқларнинг тан олинганлиги нишонасидир.

Мустақиллик шарофати билан дунёга чиқаётган ўзбек олимларининг мақташга арзиғулик бундай кашфиётларини биожимё, умумий ва ноорганлик кимё, сув муаммолари, электроника, физика-техника, микробиология каби унлаб институтиларда ҳам яққол кўриш мумкин. Энг муҳими, чет мамлакатлар олимлари билан биргалликда қилинаётган илмий-тадқиқотлар натижалари халқ ҳўжалигининг ў ёки бу тармоғида қўлланилаётганлиги ва қўйилаётган талабларга тўла жавоб бериши билан аҳамият-лидир. Шу нуқтаи назардан қараганда академиянинг тарих, археология, шарқшунослик, тил ва адабиёт фанлари бўйича халқаро илмий ҳамкорлиги ҳам ўзининг янги-янги қирраларини намойиш этмоқда.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Фанлар академиясининг шарқшунослик ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг санъатшунослик институти томонидан нашрга тайёрланиб, «Шарқ миниаторала-

ЯНГИ ДАРСЛИК

Кунги кеча «Ўзбекистон» нашриёти Тошкент кимё-технология институтининг ўқитувчилари, кимё фанлари доктори, профессорлар Кудрат Аҳмеров, Рамзиддин Сайфугдинов ва техника фанлари номзоди Абдуҳалил Жалиловларнинг «Умумий ва анорганик кимё» номи дарслигини босмадан чиқарди.

Асар илгари нашр қилинган дарслиқлардан мазмун ва моҳияти билан ажралиб туради. XXV бобни ўз ичига олган китобда кимё фани асослари, қонун-қоидалари, кейинги йилларда эришилган янгилик ва муваффақиятлар ўз аксини топган. Ҳар бир боб охирида қўзланган мақсад, тақорролаш учун материал, ма-сала-машқлар ва тест саволлари келтирилди. Мамлакатимизда ўқув адабиётларига бўлган талабни қондириш йўлида яратилган ушбу дарслик бўлажак кимёгарлар учун муҳим қўллан-ма бўлиб қолади.

Юнус ЗИЁДОВ

БУХОРОДА ҚОВУН САЙЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида Бухорода «Табаррук замин саховати» шиори остида аънаваный қовун сайли бўлиб ўтди. Уч кун давом этган сайлда вилоят деҳқон-лари ўзлари етиштирган тилими тилини ёрадиган қовунлар кўргаз-масини намойиш этибгина қолмай, балки 500 тонна махсуслотни шаҳарликларга арзон нархда сотишди.

Фермерлар ўртасида ўзига хос танловда Бухоро туманидаги «Уста Ақром» фермер ҳўжалиги биринчи ўринга лойиқ деб топил-ди. Ширкат ҳўжаликларидан эса Вобкент туманидаги «Хайробод», Шофиркон туманидаги «Бухоро» Жондор туманидаги «Ўзбекистон-ликлар ўринларни ўзаро бўлишиб олдилар. Ҳолиларга қиммат-баҳо соғалар топширилди.

Даврон БАҲРОНОВ

Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрам —

Мустақилликнинг

12 йИЛЛИГИ

шодиёнаси билан муборақбод этамиз.

Истиқлол шўқуҳидан диллар шод. Зеро, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида муносив ўринга эга бўлган өзөд Ўзбекистон янги жамият қуриш йўлидаги ислоҳотлари ва бунёдкорлик меҳнати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Тошкент марказида бу йил очилган жаҳон андозаларига мос «Grand Mir» янги меҳмонхонаси жамоаси бу гўзал диёрга ташриф буюраётган меҳмонларга хизмат кўрсатаётганлигидан бағоят фахрланади.



Қутлуғ байрам барчамизга муборақ бўлсин, азизлар!



Излаганга — эзид ёр

Қадимги аждодларимизнинг эътиқодий тушунчасига қўра, эзид — худо, яхшилиқ худоси. Мазкур мақол билан: «Изласанг, ҳаракат қилсанг, қўзлаган мақсаднига албатта етишасан, шундай қилсанг, худо ҳам сенга ёрдам беради», дейилмоқчи. «Излаганга — толе ёр»; «Из қу-ган — излаганин топади»; «Қи-дирган — қидирганин топар»; «Қидирганга — тошдан тулки топи-лар»; «Тилаган — тилагин топар» (тиламақ — бу ерда «истамоқ» маъносига); «Тилаган — топар, тариган — ўрар» (таримоқ — уруғ сепмоқ, экин эммоқ); «Қидирган — бўлар, ўтирган — ўлар» (бўлмоқ — бу ерда «топмоқ, бир нимани қўлга киритмоқ» маъно-сига); «Ётган — ётар, қидирган — топар»; «Ётган — қолар, чоп-ган — олар».

VILOYAT MUHBIRLARI:

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla Oripov

Abdulhafiz Jalilov

Azimjon AYUPOV

Aziz NOSIROV

Ashur QODIROV

Bobir ALIMOV

Habib SA'DULLA

Norbobo SHAKAROV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Alimqul SULTONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrew ORIOV

(Bosh muharrir o'rinbosari o'Golosi Uzbekistan)

Nomoz SA'DULLAYEV

Rahima HAKIMOVA

To'lepbergen QAIPIBERGENOV

Abdug'ani

MAMASODIQOV

(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot

133-44-55

Ma'naviyat va ma'rif

133-69-45

Iltimoly hayot va iqtisodiyot

133-20-36

Parlament va huquq

136-57-20

Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik

133-21-43

Xatlar va ommaviy ishlar

133-12-56 (Tel. Faks)

Kotibiyat

133-72-83

Reklama va e'lonlar

133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

Andijonda

25-16-16

Buxoroda

222-10-92

Gulistonda

25-03-80

Jizzaxda

5-49-85

Navoiyda

3-39-20

Namanganda

26-43-43

Nukusda

222-70-12

Samarqandda

35-20-54

Urganchda

226-51-35

Farg'onada

26-43-62

Termizda

3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi

Farruk HAMROEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar

Ikremlon ISMOILOV

Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharh» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonalar manzili:

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuoti Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 762

7731 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.

Topshirildi

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA